

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

15 май 2018 й.г. № 365

Тошкент ш. – г. Ташкент

**“Чорвоқ” эркин туристик зонаси фаолиятини  
ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташқил этиш тўғрисида” 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон Фармониغا мувофиқ, шунингдек, Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали аҳолининг дам олиши ва туризми учун шароитларни яхшилаш, туризм хизматлари соҳасида янги иш ўринлари ташқил этиш ва аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг “Чорвоқ” эркин туристик зонаси чегараларини 1-иловага мувофиқ тавсифлаш тўғрисидаги таклифлари;

“Чорвоқ” эркин туристик зонасини янада ривожлантириш концепцияси 2-иловага мувофиқ;

“Чорвоқ” эркин туристик зонасини янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш тадбирлари режаси 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Бошқарув ходимлари сони 7 кишидан иборат ва 4-иловага мувофиқ тузилмага эга бўлган “Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси” (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) давлат унитар корхонаси ташқил этилсин.

3 Қуйидагилар:

“Чорвоқ” эркин туристик зонаси дирекцияси” давлат унитар корхонасининг Устави 5-иловага мувофиқ;

“Чорвоқ” эркин туристик зонаси ҳудудида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Дирекция “Чорвоқ” эркин туристик зонасининг мустақил бюджети маблағлари ҳисобига сақлаб турилади.

5. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Дирекцияни келгуси йилларда ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш шарти билан 2018-2020 йиллар даврида сақлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан асосланган ҳисоб-китоблар бўйича зарур маблағлар;

иккита автотранспорт воситаси, жумладан, битта енгил ва битта йўл танламайдиган автомобиль харид қилиш учун пул маблағлари, шунингдек, уларни сақлашга лимит ажратсин.

6. Дирекция Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй манзилига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги дахлдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда ушбу қарор ижросининг доимий назоратини таъминласин ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга режалаштирилган чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилиш учун ҳар чоракда тақлифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмурадов, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А.Абдуҳақимов ва Тошкент вилояти ҳокими Ғ.И.Ибрагимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

-----  
1–6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 15 майдаги  
365-сон қарорига  
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 16 январдаги 29-сон қарорига 2-иловада:

а) 1-бандга “(кейинги ўринларда ЭИЗ деб аталади)” сўзларидан сўнг “шу жумладан эркин туристик зоналар (кейинги ўринларда ЭТЗ деб аталади)” сўзлари қўшилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

“4<sup>1</sup>. Қуйидагилар ЭТЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда мажбурий мезонлар ҳисобланади:

ЭТЗ ҳудудида замонавий меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-қўнғилочар ва туристик йўналишдаги бошқа объектларни қуриш, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш;

ёрдамчи хизматлар кўрсатиш учун қўшимча инфратузилмани (кафе, ресторанлар, барлар, ошхоналар, фуршетлар ўтказиш бинолари), шунингдек, туристларни ташиш (замонавий автобусларда, осма йўлларда ва бошқалар) хизматларини ташкил қилиш;

транспорт воситаларидан (автобус, поезд, электропоезд) эркин фойдаланишни таъминлаш;

кўрсатиладиган хизматларнинг туризм соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норма­тив ҳужжатлар, шунингдек, экологик ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш соҳасини техник тартибга солиш талабларига мослиги;

туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар билан таъминлаган ҳолда, махсус функционал ва мавсумий дам олиш зоналари ташкил қилиш;

ҳудуд экотизими имкониятларини инобатга олиб, ноёб туристик йўналишлар ташкил этиш;

туристлар хавфсизлигининг қўшимча шароитларини, жумладан, туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, туристлар ҳақида маълумотлар ахборот базаси, фавқулодда ҳолатларда огоҳлантириш ва шошилинч ёрдам кўрсатиш орқали ташкил этиш;

муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаган ҳолда, энергия тежайдиган замонавий тизимлар ва технологияларни жорий қилиш асосида ноёб экология тизимини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш;

маъмурий кенгаш томонидан белгиладиган миқдорда, шу жумладан Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тақдим этадиган рўйхатлар бўйича бандликка муҳтожларни қабул қилиш бўйича 10 фоизли квотани белгилаш орқали янги иш ўринлари ташкил қилиш;

ташкил этиладиган ташкилот ходимлари штатини жалб қилинган ходимлар умумий сонининг камида 95 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан тўлдириш ва уларга стажировка ўташ ҳамда малака ошириш имкониятини яратиш;

жаҳондаги етакчи меҳмонхона тармоқлари, умумий овқатланиш тармоқлари брендлари ва бошқа брендларни жалб қилиш ёки ташриф буюрувчиларнинг замонавий талабларига жавоб берадиган минтақавий брендни ташкил этиш”;

в) қуйидаги мазмундаги 7<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

“7<sup>1</sup>. ЭТЗ ҳудудида ташкил қилинадиган ва Дирекцияга тақдим этиладиган инвестиция лойиҳасининг бизнес-режасида қуйидаги асосий маълумотлар акс эттирилиши лозим:

ариза берувчи ташкилот ёки унинг муассислари тўғрисида ахборот;

режалаштириладиган ишлар номи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳажми;

хизматлар бозорининг маркетинг тадқиқотлари, шу жумладан қувватларни иш билан таъминлашнинг мавсумий даражаси ҳисоб-китоблари, кўрсатиладиган хизматлар учун тахмин қилинаётган нархлар;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур асбоб-ускуналар, товар, хомашё ва материаллар логистикаси ҳамда уларни ташиш;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва хизматлар барқарор кўрсатилишини таъминлаш учун муҳандислик-коммуникация таъминоти воситаларининг зарур ҳажмлари ва параметрлари (электр энергияси, табиий газ, ичимлик сув ва техник сув, канализация, автойўл);

инвестиция лойиҳаси объектларини оқилона жойлаштириш учун зарур участканинг тахмин қилинаётган ҳажмлари, шунингдек, асосий объект, маъмурий корпус ва бошқа ёрдамчи бинолар жойлаштириладиган жойлар кўрсатилган ҳолда, уларни жойлаштиришнинг дастлабки схемаси;

фойдаланилаётган технологиялар тавсифи (экологик талаблар ва энергия самарадорлиги талаблари) ва технологик ускуналарнинг рўйхати ва хусусиятлари, уларни ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ҳамда ишлаб чиқарган мамлакатларни кўрсатиш;

инвестиция лойиҳасида қўлланиладиган ва халқаро стандартларга мос бўлган менежмент тизими;

инвестициялар, молиялаштириш манбаларининг тахмин қилинаётган миқдорлари, тури ва уларни жалб этиш муддатлари ҳамда заём жалб қилинган ҳолатда тахмин қилинаётган кафолат таъминоти;

инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблари;

жалб этиладиган жаҳондаги етакчи меҳмонхона тармоқлари, умумий овқатланиш тармоқлари брендлари ва бошқа брендлар;

ташқил қилинадиган иш ўринлари сони ва ходимларни ёллаш манбаларини кўрсатиш (маҳаллий – коллежлар битирувчилари, меҳнат биржаси томонидан юбориладиган шахслар, бошқа ташкилотлар ходимлари ва жалб этилган хорижий мутахассислар)”;

г) қуйидаги мазмундаги 12<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

“12<sup>1</sup>. ЭТЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда маъмурий кенгаш қуйидагиларни кўриб чиқади:

инвестиция лойиҳасининг ушбу Низомнинг 4<sup>1</sup>-банди талабларига мувофиқлиги;

инвестицияларни муассисларнинг ўз маблағлари ва улар томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати тақдим этилмасдан жалб қилинган кредитлар ҳисобидан амалга ошириш;

инвесторнинг молиявий лаёқатлилиги, техник ва технологик базанинг мавжудлиги;

инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги (инвестиция лойиҳасини қулай жойлаштириш, ташқил этиладиган иш ўринлари сони, ҳудуд ва умуман, соҳадаги инфратузилма ўзгаришларига таъсир кўрсатиш, ишлаб турган қувватлардан фойдаланиш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги);

инвестиция лойиҳасида халқаро стандартларга мос бўлган менежмент тизимининг мавжудлиги;

асбоб-ускуналар ва технологик линиялар рўйхати кўрсатилган ҳолда, энергия тежайдиган замонавий тизимлар ва технологиялар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш назарда тутилган, жаҳондаги етакчи меҳмонхона тармоқлари ва умумий овқатланиш тармоқлари брендларининг мезонларига мос бўлган, шунингдек, ходим сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жалб этишни кўзда тутадиган лойиҳаларга устунлик берилади”;

д) 21-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хабоси қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси – эркин туристик зоналарда инвестиция лойиҳалар амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги қисми бўйича”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги 196-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 4-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги “д” кичик банди қўшилсин:

“д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон Фармонининг 3-банди билан “Чорвоқ” эркин туристик зонасига ва эркин туристик зона иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунчилик қоидалари, шу жумладан эркин иқтисодий зоналар ва уларнинг иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёзлар ва преференциялар татбиқ этилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда худудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндашишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 10 мартдаги 83-сон қарори 3-бандининг тўртинчи хатбоши, 4, 5-бандлари ва 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.